

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Амантурдиев
«___» _____ 2014 й.

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети
декани, доцент
_____У.Ш.Балласов
«___» _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Шаҳрисабз шаҳрини Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонларида
урчитилаётган паррандаларни маҳсулдорлигини таҳлили”**

Битирувчи:

4-91 гуруҳ талабаси

Э.Ахмедов

Илмий раҳбари:

Зоотехния кафедрасининг
Доценти

Ф.Джасимов

Такризчи: Чорвачилик, паррандачилик

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

Катта илмий ходими

Б.Суванқулов

Тошкент – 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
II.Адабиётлар шарҳи.....	6
III.Меҳнатни муҳофаза қилиш.....	12
IV.Шахсий қисм.....	16
4.1.Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри таъриф.....	16
V. Хусусий қисм.....	19
5.1.Тадқиқот манбаи унинг мақсади вазифалари ва олиб бориш услублари.....	19
5.2.Тадқиқот натижалари.....	22
5.2.1.Парранда турлари, сони ва таркиби.....	22
5.2.2.Шаҳрисабз шаҳри Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида паррандаларни боқиш ва асраш.....	24
5.2.3.Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни етилувчанлиги ва ҳаётчанлиги.....	27
5.2.4. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар тухум маҳсулдорлиги.	30
5.2.5. Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонлари паррандаларни тирик вазн динамикаси ва гўшт маҳсулдорлиги.....	34
VI.Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни самарадорлиги.....	39
VI. Хулоса.....	41
VII. Тавсия.....	43
VIII.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	44

Кириш

Ўзбекистонда аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришда дастлабки босқичдан бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Қишлоқда янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда қабул қилинган қатор қонунлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш, фермер хўжаликлари ва фермерларнинг манфаатларини ҳимоялаш тўғрисидаги қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжаликлар структураси шаклланимоқда.

Бугунги кунда ислоҳотларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш борасида давлат корхоналари нодавлат шаклга ўтказишни ва мутахассисларни маъсулиятини оширишни тақозо этади. Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар мева бера бошлади ва иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий асосларини яратишга ҳамда хўжаликни янги иш юритишни асослари шакллантирилди барча қишлоқ хўжалик соҳаларини бошқариш тамойиллари вужудга келди.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган хўжаликларни асосий мақсади ўсиб бораётган Ўзбекистон аҳолисини тўйимли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалик, жумладан, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш жуда долзарб бўлиб ҳисобланади.

Аҳолини озиқ-овқатлар маҳсулотига бўлган талабини қондиришда паррандачилик соҳасининг аҳамияти нихоятда каттадир. Чунки, чорвачиликнинг энг тез етилувчи соҳаси паррандачилик ҳисобланади.

Тухум йўналишидаги товуклардан 150-160 кунлик ёшида тухум олиш, гўшт йўналишидаги товуклардан эса 49-56 кунлигида сўйим вазнига етиш

имкониятлари мавжуд. ушбу кўрсаткичлар паррандаларни юқори ирсий имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Сўнги йилларда республикамизда парранда гўштини асосан тухум йўналишидаги парранда турлари ва кросслари ҳисобидан етиштирилмоқда. Республикалар гўшт йўналишидаги парранда кроссларини наслчилик базасининг йўқлиги маҳсулдор Хайсекс оқ ва Хайсекс жигарранг товукларининг паррандачилиқни ривожлантиришга тўсқинлик қилиб келмоқда. Хайсекс товукларнинг маҳсулдорлиги бўйича товукларининг маҳсулдорлиги бўйича муносиб тухумлар ва улардан олинадиган, юқори ўсиш кўрсаткичларига эга бўлган кросслар урчитилишни тақозо этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ушбу тизим ва кросслар яратилмаганлиги сабабли, турли кроссларда мавжуд тухум йўналишидаги товукларни чет давлатлардан келтирилмоқда. Зоотехния илми ва амалиётида ушбу паррандаларнинг маҳсулдорлик ва биологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тухум йўналишидаги Хайсекс товукларининг маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда соҳанинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006-йил 22-мартдаги ва 2008-йили 21-мартдаги “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари ва паррандаларни кўпайтиришни кучайтириш” борасидаги қабул қилинган қарор соҳадаги муаммоларни ечиб беришга имкон беради. Шу аснода чорва молларини ва жумладан паррандаларни нафақат йирик паррандачилик корхоналарида балким шахсий хонадонларида урчитиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бинобарин шахсий хонадонларида урчитиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бинобарин шахсий хонадонда паррандаларни урчитиб маҳсулот олиш уларни оила аъзоларни озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабини қондириш билан

биргаликда истемолдан ортганини бозорда сотиб иқтисодиётини мустаҳкамлаш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда Республикамизда олиб борилган ислохотлар биринчилар қаторида хўжалик юритишнинг асослар шакллантирилди ва вужудга келди. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча турдаги чорвачилик, паррандачилик хўжаликларини мақсади, ўсиб бораётган аҳолини тўйимли чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондириш муҳим рол ўйнайди. (Тешабев У-2011).

Бу ишларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида дунёга машҳур Еурогибрид АҚШнинг интернейшинал ва Германияни турли фермаларида етиштирилаётган серпушт кроссли паррандаларни урчитилиши тақозо этмоқда. Бу маълумотларга таяниб таъкидлаш зарурки ҳукуматимиз томонидан барча тоифадаги хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш борасида олиб бораётган тадбирлар мазкур соҳада фаолият юритаётган фермер ва шахсий хўжаликларини қўллаб қувватлашга замин яратди. Бу ташаббускорлик ишларини олиб борилиши меёрий даражада эмас шу туфайли унинг олиб боришига ва маҳсулот ишлаб чиқаришга илмий асосланган ҳолда ёндашиш зарур. Бунинг асосий омиллари бўлиб шахсий хонадонларда урчитиб маҳсулот ишлаб чиқаришда танланган, сараланган ва ўзини яхши кўрсатган паррандаларни урчитиб бориш бевосита соҳани юксалтиришда амалий ёрдам беради.

Келтирилган, маълумотларга асосланиб бу тадқиқот ишлари Ўзбекистонда суи олиб борилаётганини исботлаб ўз ишмизни айнан шу масалани ечишга қаратилган.

Адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалик паррандаларини урчитилишни мақсади улардан инсон учун зарур бўлган сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан барча тоифадаги паррандачилик хўжаликларида урчитилаётган турли паррандаларни ҳаёт кечириши ва маҳсулот бериши ўрганишни тақозо этади.

Паррандаларни ҳаётига ва маҳсулдорлигига ва ишлаб чиқаришда уларга амал қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Кўплаб паррандачилик соҳасида фаолият кўрсатган олимлар таъкидлайдики паррандаларни ҳаёт кечириб ўсиб ривожланиши ва маҳсулдорлиги шу хусусиятларига ва ирсий (30 фоиз) омилларга боғлиқдир.

И.И.Кочиш (2001) А.В.Епишкячивус (1991) эришган тадқиқот натижаларга асосланиб таъкидлайдики паррандаларни маҳсулотларига уларни ёши, об-ҳаво шароити ва озикланиш каби омиллари кучли таъсир этади. Лекин шу омиллар ичида олимнинг фикрига кўра озиклантириш муҳим ўрин тутди.

Бинобарин паррандаларни етиштирилган тухум гўшт маҳсулотлари ўзининг оғирлиги, йириклиги ва миқдори билан бир-биридан фарқ этади, шунда ёш паррандаларни танаси катта ёшли паррандаларга нисбатан кичик шу боисдан кам озуқа истеъмол қилади. Бунда ёш паррандаларни тухуми кичкина, уларнинг оғирлиги 45-47 грамм бўлади, катта ёшдаги паррандаларни тухуми йирик ва оғирлиги 55-63 граммни ташкил этади. Демак, улар орасидаги фарқ 16-17 граммга тенг бўлаб ҳисобланади.

С.Х.Шахнова, Г.В. Шатина (1988) томонидан олиб борилган тажрибаларга кўра паррандаларни ёши улғайган сари озуқа истеъмол қилиши ошиб бориб нафақат тухумнинг вазнига хаттоки тўйимлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Е.Устинова, А.Гофман (2002) паррандаларни маҳсулдорлигини ўрганиб таъкидлайдики улар тухумини сифати озуқа ва шунингдек паррандаларни турига ва ёшига бевосита боғлиқ ва бунда кичик паррандаларни урчитилишини мақсадга мувофиқлигини кўрсатган.

Паррандалар биологик хусусиятига асосан бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан озикланиш ва уларни тўйимли бўлиши бўйича кескин фарқ қилади. Шу боисдан паррандаларни озиклантиришда тўла қийматли озуқалардан фойдаланишга ва унинг таркибида оқсил моддаси кўп бўлишига катта эътибор берилади. Бинобарин оқсил паррандаларни модда алмашинуви турли хужайра ва тўқималарини ташкил топишида асосий рол ўйнайди.

Э.Н.Абдурашитова, Х.Ш.Самигов (1984), Е.В.Рыбина (1990) Д.С.Азимов (2011) олиб борган ишларига асосланиб қайд этадики тўла қийматли озиклардан фойдаланиб уларни озиклантиришини, меъёр асосида олиб бориш товукларни ўсиш, ривожланишига, маҳсулдорлигига етилиши, ҳаётчанлигига ижобий таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда паррандаларни озуқаларга бўлган талабини қондириш борасида ишлаб чиқарилаётган омухта емларни тўйимлиги паст бўлиб уларни маҳсулдорлигига ва сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу камчиликларни олдини олишда Д.С.Азимов, А.Шамсуддинов (2002) томонидан саноат асосида ишлаб чиқарилган омухта емлар маҳаллий озуқалар ва шунингдек табиий чимпоялар билан бойитилган ва паррандалар озиклантирилган. Бу ишларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришган, бинобарин уларни ўсиши, ривожланиши, етилиши тухумга кириши, тухум бериш сони, оғирлиги ва сифати ошган.

Бу ишларни ижобий таъсир этишини Е.В.Рыбина (1992,1993), тадқиқотларидан ҳам кўриш мумкин. У тухум йўналишидаги товукларни рационига 4-9-14-15 фоиз пахта шротини қўшиб берган ва ҳар бош товукдан олинган тухумларни сони 15,5 донага танасини оғирлиги эса 9 фоизга ошган.

Бугунги кунга келиб турли тадқиқот ишларини олиб борилиши ижобий натижа бергани кўринади. Чунончи жаҳонда ва Республикада сифатли ва тўйимли озуқалар билан озиқлантириш ва селекция ишларини йўлга қўйилиши натижасида мақсадга мувофиқ, паррандаларни урчитилиш ва шу боисда олиб борилган ишларнинг асосий ютуғи бу юқори сифатли ирсий мустаҳкам парранда кроссларини вужудга келишидир.

Бу паррандалардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиб боришни, уларни озиқлантиришда махсус рецептларни ишлаб чиқарилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик паррандаларни маҳсулдорлиги қолаверса об-ҳова, иқлим шароитига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Чунончи кўпчилик олимларни кузатув ишлари кўрсатадики серпушт товуқлар ташқи муҳитга жуда талабчан ва улар етарли даражада бўлмаса паррандалар тез ўзгариб боради ва чидамлилиқ ҳамда кўникиш ва маҳсулдорлик хусусиятлари пасайиб боради. Шу боисдан уни бошқариб бориш тавсия этилади (Иоцюз Г.П., Старчиков Н.Н.-1989, Фисинин В.И., Тардатьян Н.А.-2004).

А.Поляночкин (1980) Л.Розманов, Р.Рўзимуродов (2011) олиб борган ишларига асосланиб қайд этадиларки экологик шароитни кескин ўзгариб бориш парранда ва ташқи муҳит орасидаги мувозанатни ўзгаришига олиб келади.

Республика ва жаҳон миқёсида озиқ-овқат таъминоти сушт бўлганини инобатга олиб бугунги кунда парранда маҳсулотлари миқдорини ва сифатини ошириш кун талаби бўлиб ҳисобланади. Чунки аҳоли дастурхонини бойитига қаратилган омиллардан биридир.

Паррандачиликдаузоқ йиллар давомида бир хил селекция ишларини олиб борилиши паррандаларни генофондга салбий таъсир кўрсатганини Г.Уткина (1990) каби олимлар олиб борган тадқиқотларига асосланиб бу

хусусиятларни қайд этган. Олимларни фикрига кўра бу ишларни олиб бориши паррандаларни ирсий хусусиятларни ўзгартириб боради натижада уларни чидамлиги ва унинг олдини олиш зарур бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда бу салбий натижаларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан махсус дастурлар, режалар ва шунингдек такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган ва олиб борилаётган ишларда генетик потенциалини сақлаб қолишига ҳамда маҳсулдорлигини оширишга асос солинган.

Бу ишларни амалга оширишда В.Горин (1980), С.А.Алиев ва Ф.Гусейновни (1979) тадқиқот ишларидан фойдаланиб келинган ва шунда генетик нуқтаи назаридан шароитга мослашиб олганлар ҳамда ўз насли хусусиятларини авлодга ўтказиб бера оладиган паррандалардан селекция ишларини олиб боишда фойдаланишга тавсия этганлар. Бунда олимлар Заря-17 кроссини мисол қилиб кўрсатган.

Ўзбекистонда С.Г.Азимов ва Х.К.Алимов (2001) томонидан олиб борилган ишларга асосланиб таъкидлаш зарурки паррандаларни тухумдорлигини ва вазни ошириш жуда долзарб ва уни микротизимли урчитиш асосида амалга ошириш мумкиндир. Олимларни фикрига кўра бу паррандалар кучли ирсий хусусият билан характерланади ва ўзининг айнан шу хусусиятлари билан авлодларига юқори даражасида ижобий таъсир этишини Р.Дюнова, Т.Скалярова (1989) ва В.Воронов (1991) ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтадилар.

К.Карибоев (1996) паррандаларни озиқлантириш борасида олиб борган ишларига асосланиб таъкидлайдики паррандаларни озиқлантириш даражасини юқори бўлиши уларни маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатган. Олимнинг фикридан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки паррандаларни озиқлантириш даражаси паст бўлагинида уларни ирсий ва ҳаёт фаолияти секинлашиб маҳсулдорлигини пасайтириб юборади.

Бунинг асосий сабаби қайд этамизки паррандаларни ҳаётида тикланиши сифат ўзгарувчандир ва уни янада такомиллаштириб боришни талаб этади.

Адабиётлар маълумотларидан кўринадикки паррандалар ҳаёт кечиришига, унга кўникиб мослашишига, сақланишга ва шунингдек етилишига, маҳсулдорлигига, насли сифатига озиклантириш омилини таъсири жуда кучлидир.

Шу ишлар паррандаларни бу кўрсаткичларига наслдорлик хусусиятлари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу назарияни Н.С.Файзиева, В.М.Филипова ва бошқалар (1984) ишларидан кўриш мумкин. Бу тадқиқотчилар ўз тажрибаларида турли парранда кроссларида тизимли чатиштиришни қўллаган ва унда олинган дурагайларни тухум маҳсулдорлиги ўз тенгқурларидан устун бўлганини исботлаган. Бинобарин дурагайлар тухумини оғирлиги бўйича 2,1-3,7 грамм, тухум сони бўйича эса 1,1-1.6 донага ўз тенгқурларидан устун бўлган.

Гетероген ирсий хусусиятлар билан ифодаланган паррандалар маҳсулдорлигини миқдори ва оғирлиги бўйича соф зотли тенгқурларидан устун туришини А.П.Безусова, Н.В.Злачевская (1984) бир неча бор исботлаган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча тоифадаги хўжаликларида парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш деярли даражада йўлаг қўйилган ва ўрта ҳисобда бир йилига 260-270 дона ва ундай кўп тухум ишлаб чиқариш салоҳитига эга бўлган юқори генетик манбаа (паррандалар) тўпланган, лекин Республикада аҳоли сони кескин даражада ошиб бораётганини инобатга олганда бу манбани янада такомиллаштириб бориши зарурдир.

Юқорида қайд этилган омиллар билан биргаликда паррандаларни маҳсулдорлиги кўп жиҳатидан озукалар турига ҳам боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Масалан, Х.Хошимов ва Т.Тўйчиев (1985) паррандаларни дон

ва ҳайвон дунёсидан олинган озуқаларга тавсиф беришда таъкидлайдиларки паррандаларни озиқлантиришда омукта ем сифатида уларга маккажўхори, арпа, сули, тарик, нўхат, жавдар ва бошқа шулар қаторидаги донли озуқалардан фойдаланилади.

Жаҳон иқтисодиёти инқирозини олидин олиш чора-тадбирлари бир асосий омил бўлиб барча жойлардаги урчитилган паррандалар тез етилувчан, иқтисодий жиҳатдан арзон ва бугунги кун талаб доирасида сифатли парранда маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Бу борада И.А.Сокач ва бошқалар (1984), В.Воронов, В.Едришова ва М.Барсукова (1991) таъкидлайдиларки паррандачилиги юқори ривожланган мамлакатлардан серпушт кроссли паррандаларни келтириб урчитиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг паррандачилик хўжаликлари парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида бой тажриба тўпланган лекин жаҳон андоза талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши етарли деб бўлмайди. Шу боисдан Ресбупликада паррандачиликни озуқа базасини мустаҳкамлаш билан биргаликда бизнинг иқлим ва об-ҳаво шароитимизга кўникиб мослашиши ва шунингдек маҳсулдорлиги юқори бўлган паррандаларни, уларни тизимларнинг ва кроссларини етиштириш жуда долзарб бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар маълумотларига асосланиб таъкидлаш лозимки паррандадан маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини ошириш кўп омилларга боғланган ва улар ҳозирги енгил саноат асосида ривожланган паррандачилик корхоналарида тадбиқ этилган бўлсада ҳали ҳам олиб борилган ишлар ўз нихоясини топмаган ва бунинг асосини шахсий аҳоли хонадонларида урчитилаётган қишлоқ хўжалик паррандаларини ва улардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини янада такомиллаштириш зарур.

III. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Қашқадарё вилоятини Шаҳрисабз шаҳридаги Наврўз маҳалласини шахсий ҳонадонларида парранда билан ишлаётган ишчиларга меҳнат муҳофазасига катта эътибор берилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш шаҳар ҳокими муовини зиммасига юклатилади. Техника хавсизлигини қишлоқ хўжалик соҳасини бошқарувчиси ҳокимини муовини томонидан бошқариб борилади.

Техника хавсизлиги бўйича шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларида мунтазам равишда инструктаж ўтказиб ва махсус журналларга қайд этиб борилади. Илк бор ҳонадон аҳли иш бошлаганда инструктаждан ўтказилади. Бу инструктаж вадний деб ҳисобланади, иккинчи инструктаж эса иш жойидан соҳа мутахассислари, мол доктори, зоотехник томонидан ўтказилади. Демак, бу инструктаж иш жойлардаги чорвадор мутахассислар орқали олиб борилади.

Шаҳар аҳоли ҳонадонидаги ишчилар бир иш жойдан иккинчи иш жойига ёки соҳани алмаштирганда ўтказилганда ҳам инструктаж олиб борилади. Шаҳарни иш жараёнида барча ишчилар йилнинг бошида техника хавфсизлиги бўйича инструктаждан ўтказилиши шарт ва бу иш йилнинг бошида амалга оширилади. Барча олиб борилган инструктажлар парранда боқадиган ҳонадон хўжаликларда тутилган махсус журналларга қайд қилиниб ҳонадонда чорва боқадиганларни имзолари билан тасдиқланади.

Меҳнат муҳофазаси жуда муҳим, чунки шахсий ҳонадонлардаги инсонлар ва ишчиларни соғломлигини кўзлайди. Шуларни инобатга олган ҳолда хўжалик бошқарувчисига бу тадбирни ўтказиш учун ҳар йили етарли даражада маблағ, асбоб-ускуналар, махсус ишчи кийимлари билан аҳоли ҳонадонларидаги ишчиларни таъминлашга катта эътибор бериб боради. Олиб борилган ишлар яхши натижаларни берган ва сўнги 5 йил мобайнида шахсий ҳонадон хўжаликларда бахтсиз ходисалар юз бермаган, қолаверса шуни

таъкидлаш лозимки хўжаликларини худуди экологик тоза ҳолат бўлиб келмоқда. Шахсий ҳонадонда бу ишларни амалга ошириш учун махсус бурчаги ажратилади ва тегишли жиҳозлар билан жиҳозланишни талаб этади.

Шахсий ҳонадон хўжаликда паррандаларни ва уларни асрайдиган биноларни ёнғиндан сақлаш ва ишчиларни меҳнатни муҳофаза қилиш борасида бу бурчакларда агитацион кўргазмали плакатлар билан жиҳозланиши керак.

Шахсий ҳонадонларда парранда боқиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда ишчиларни ишлашига ва дам олишига шароитлар яратилишига ва уларни иш муддати 8 соатдан ошмаслигига катта эътибор берилиб борилади ва бу режа шахсий хўжалик ишчиларини умумий мажлисида муҳокама қилиб тасдиқланади.

Шахсий ҳонадонлар хўжаликни техника хавфсизлигини ҳолати қишлоқ хўжалигида ва жумладан паррандачиликда маҳсулот етиштириш ва ишлов беришда ишчи ва хизматчилар турли электр мосламалар ва техник воситалардан фойдаланилади. Шу боисдан уларни ишлатиш ва тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятни касб этади. Бунда хотиржам ишлаш ва соғлиқни сақлаб қолиш илк бор шу жараёнлардаги меҳнат қилувчиларни маъсулятига ва фидойилигига ҳамда техника хавфсизлигига қатъиян риоя этишига боғлиқ ва улар ҳонадонлар эгалари томонидан қатъий назорат қилинади.

Бундан келиб чиқиб хўжалик шароитида олти ойда бир маротаба техника хавфсизлиги бўйича инструктаж олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни техника хавфсизлигини назорат қилувчи маъсул ходим йил давомида мунтазам равишда олиб бориши зарур. Техника хавфсизлигини тўғри олиб бориш учун хўжаликлар ҳар йили 200-300 минг сўм маблағ ажратади ва барча аҳолини яшабини ва соғлиғи сақлайди.

Шаҳсий хонадон хўжаликни санитария ишларини ташкиллаштиришда бош мол докторини ўрни жуда катта уни ўтказиш учун махсус режа ишлаб чиқаради ҳамда барча тадбирлар ўз вақтида бажарилишини кузатиб боради. Бу тадбирларни бошқариб бориш бевосита хўжалик жамоасини соғлигини сақлашга қаратилган. Хўжалик аҳли касалликка чалинганда уларни даволаш чора-тадбирлари кўрилади, зарурат туғилганда Шаҳрисабз шаҳрини марказий касалхоналарга ётқизилиб даволанади.

Бу ишларни амалга оширишда хонадонларни худуди, аҳолини турар жойлари тозаланиб ободонлаштирилишига катта эътибор берилмоқда. Барча жойлар дезинфекция қилиниши билан биргаликда парранда биноларин кириш жойларида дезобарер дезоковриклар ўрнатилади. Парранда биноларидаги тўпланган заҳарли моддалар ишчиларни ҳаётига катта ҳавф туғдиради шу боисдан микроиклимни сақлаш учун об-ҳавони алмаштирувчи мосламаларни ишлаши мунтазам кузатиб борилади ва зарурат туғилганда таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Турли юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш учун шаҳсий хонадон хўжалик худудидаги дайди итларни ўлдириш ҳайвонларни мурдаларини махсус жойларга кўмиб ёки куйдириб бориш зарур. Шулар билан биргаликда барча шаҳсий хонадондаги ҳайвонлар турли касалликларга қарши эмлаб борилади.

Паррандаларни урчитиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғилланадиган шаҳсий хонадон хўжаликда меҳнатни муҳофазаси ва тегишли равишда ишчи, хизматчиларни ҳамда аҳолини соғлигини сақлаб қолиш ва шунингдек техник воситалардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш учун махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқарилади ва уларга қатъиян риоя этишга дават этилади.

Бу тадбирларни амалга оширишда шаҳсий хонадон хўжалик бошқарувчиси ва барча соҳа мутахассисларини эътибор беришини талаб

қилади ва деярли яхши йўлга қўйилганлиги сабабли шахсий хўжалик хўжаликлар аҳли, чорва моллари ва ҳудуд экологик шароити кўп йиллардан бери қониқарли ёки талаб даражасида бўлиб келмоқда.

IV.Шаҳсий қисм

4.1.Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри таърифи

Шаҳрисабз қадимги шаҳар ва маҳаллалардан бири бўлиб Қашқадарё вилоятини Шаҳрисабз туманида жойлашган. Бу маҳалла Шаҳрисабз туманини Наврўз фуқаролар йиғинига киради ва Тошкент Термиз шаҳри ҳалқа йўли, жанубда эса амир Темур маҳалласи билан чегараланган. Мазкур маҳалла туман маркази Шаҳрисабз шаҳрини ичида вилоят маркази Шаҳридан 3 км узоқликда жойлашган.

Маҳалла аҳоли хонадонлари тўлиқ электрлаштирилган табиий газ ва водаправод суви билан тўла таъминланган. Маҳаллани кўчаларига асфалт ётқизилган тоза ва обадон. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги телефондан фойдаланиб келинмоқда. Маҳаллага кириш чиқиш осон, чунки транспорт воситалари кўп. Бунда турли қўшим корхоналар ва шунингдек Тошкент-1 ва Тошкент-2 каби оёқ кийим фабрикалари, турли озиқ-овқат расталари, ўқув бинолари мавжуд ва аҳолини иш жойи билан таъминлашда хизмат қилади.

Маҳаллани ўзида 135 хонадон қад кўтарган бўлиб унда яшайдиган аҳоли сони 25600 кишидан иборат. Маҳаллада яшайдиган аҳоли орасида турли миллатлар вакиллари мавжуд бўлсада аҳолини асосий қисмини ўзбек миллатига мансуб. Шаҳрисабзни Наврўз маҳалласида кўп аҳоли яшайдиган унда болалар боғчаси ва шунингдек таълим олиш учун мактаб ва коллеж ҳамда лицейлар мавжуд. маҳолини болалари маҳаллани болалар боғчаси ва ундаги 2 та мактабда давлат тилида таълим олади. Маҳаллани марказида дорихона ва амбулатория ва битта 50 ўринлик касалхона мавжуд. Касалга чалинган одамлар Шаҳрисабз шаҳри марказини касалхоналарида даволанади.

Шаҳрисабз шаҳри 48 маҳаллаларга бўлинган бўлиб ҳисобланади. Маҳаллалар бир-бирини ичига кириб кетган кўчалар тор ва асфалтланган, айрим кўчалар эса фақат кириш бор ва чиқиш йўқ тупиклардан ташкил топган.

Шаҳрисабз шаҳри хонадонлари 270 га ер майдонида жойлашган бу ерлар асосан хонадонларни томорқалари, уй жойлари ва шунингдек шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган бўлиб ҳисобланади. Аҳоли ўз томорқаларига оила аъзоларини кўк ўт, пиёз, сабзи, помидор, бодрингга бўлган эҳтиёжини кондирадиган экинларни экиб келади.

Бу маҳсулотлар оила аъзолари истеъмол қилади ва улардан ортгани истеъмол бозорига чиқариб сотади ва оила даромадини мустаҳкамлайди.

Шаҳрисабз шаҳридаги Наврўз маҳалласини Қашқадарё вилоятига ва Шаҳрисабз туманига хос. Баҳор тез келиб тезда тугайди. Маҳалламиз худудида ёз жуда қуруқ ўтади ва иссиқ кунларни миқдори 260-270 кундан ошади, ҳарорат 36-38 градусга тенг бўлади.

Наврўз маҳалласи худудидаги йиллик намдорлиги 250-300 мм тенг бўлиб қор ва ёмғир орқали ерга тушади. Маҳалламизни тупроқлари асоан бўз қисман қумлоқ бўлиб ҳисобланади.

Наврўз маҳалласи Наврўз фуқаролар йиғинига киради ва барча ишларни бажаришда шу фуқаролар йиғини билан биргаликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, маҳаллада бахтсиз ходисалар юз берган эмас, аҳоли тинчи ва осойишта яшаб истиқомат қилмоқда.

Бу кўрсаткичлар каторида биз аҳолини хонадонларида турли қишлоқ хўжалик ҳайвонларини шу жумладан паррандаларни боқиб маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳалла аҳоли хонадонларида асосан қорамол қўй ва паррандалар боқилмоқда ва улар тўғрисидаги маълумотларни 1-жадвалда келтирганмиз.

Наврӯз маҳалласи хонадонларидаги чорва моллари ва уларни маҳсулдорлиги

Қишлоқ номи	Чорва асралган оила ва асралган мол тури					
	қорамол		қўй		парранда	
	оила	мол	оила	мол	оила	мол
Наврӯз	40	40	10	30	60	1845
Обод	20	20	10	20	30	2350
Мустақиллик	15	20	15	20	30	2267
жами	75	80	35	70	120	6462

Жадвалга асосан қайд этиш зарурки маҳаллада асосан аҳоли хонадонларида қорамол, қўй ва парранда урчитилиб келинган. Жумладан Шаҳрисабз шаҳрини Наврӯз маҳалласида 80 бош қорамол (сигир), 70 бош қўй ва 6462 бош паррандалар урчитилмоқда. Бу кўрсаткичларга асосан айтиш зарурки маҳалла аҳолини хонадонида қорамол (сигир), 35 аҳоли хонадонида қўй ва 120 хонадонида парранда урчитилмоқда.

Аҳоли хонадонларида урчитилиб келинаётган сигирларни сутдорлиги анча юқори экан ва сигир бошига бир кунда соғиладиган сут 18-20 литрга тенг бўлган. Бу ишлаб чиқилган сут қисман оила аъзолари томонидан истеъмол қилинган, қолган қисми эса истеъмол бозорида юқори нархда сотилиб оила даромадини мустаҳкамлашга пойдевор бўлган.

Аҳоли хонадонларида урчитилаётган қўйлар асосан сўйилиб гўшт ёки тириклайин сотилиб уларни даромадини янада мустаҳкамлашга мадад бўлган. Бунда урчитилаётган 6462 бош паррандалар ва уларни маҳсулдорлигини таҳлили эътиборга олинмади. Чунки тадқиқот ишимизни мавзуси айнан уларни маҳсулдорлик ухусусиятларини таҳлил этилишга қаратилган. Шу сабабли бу тўғрисидаги маълумотлар мазкур ишнинг тадқиқот натижалари ва унинг шарҳи қисмида батавсил баён этилганмиз.

V. Хусусий қисм.

5.1.Тадқиқот манбаи унинг мақсади вазифалари ва олиб бориш услублари.

Тадқиқот ишимизни Шаҳрисабз шаҳрининг Шаҳрисабз тумани Наврӯз маҳалласини хонадонларида урчитилаётган паррандаларни устида олиб борилди, мазкур ишнинг мақсадини белгилайди. Бу тадқиқотни асосий мақсади аҳоли хонадонларида урчитилиб келинаётган паррандаларни тухум ва гўшт маҳсулдорлигини ўрганишдан иборат. Бу мақсадни ўрганиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди.

1. Наврӯз аҳоли хонадонларида урчитилаётган парранда турлари уларни сони, ёшини ва жинсини таҳлил этиш.
2. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни асраш ва боқиш.
3. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни етилувчанлиги ва сақланувчанлигини таҳлил қилиш.
4. Аҳоли хўжалиги қўлида урчитилаётган паррандаларни тирик вазни ва гўшт маҳсулдорлиги.
5. Паррандаларни тухум маҳсулдорлиги ва улардан фойдаланиш.
6. Аҳоли хонадонларида паррандаларни урчитилиши ва маҳсулот етиштиришни самарадорлигини таҳлил қилиш.

Бу вазифаларни бажаришни биз 2-жадвалда келтирилган режага биноан амалга оширдик.

Тадқиқот режаси.

Маҳаллаладаги қишлоқларни номи	Маҳаллада яшовчи аҳоли сони одам	Парранда боқадиган оила сони	Боқилаётган парранда сони бош	Ўрганилган масалалар
				1.Паррандаларни тури сони, ёши ва таркиби. 2.Паррандаларни боқиш ва асраш 3.Паррандаларни етилувчанлиги ва хаётчанлиги 4.Паррандаларни тирик вазн динамикаси ва гўшт маҳсулдорлиги 5.Паррандаларни тухумдорлиги. 6.Паррандаларни урчитилишини самарадорлиги
Наврўз	8200	60	1845	
Обод	9400	30	2350	
Мустақиллик	8000	30	2267	
Жами	25600	120	6462	

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики маҳаллада жами бўлиб 3 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд ва унда 25600 киши яшайди. Шу қишлоқларда парранда боқиш ва асраш билан шуғилланадиган оила сони 120 ёки Наврўзда 60, Мустақилликда 30 Обод қишлоғида эса 30 оила парранда боқмоқда. Бу маълумотлар ўзгариш фуқаролар йиғинидан олиниб таҳлил этилди.

Наврўз маҳалла оила қўлида урчитилган парранда турлари, жинси ва ёши бўйича ўрганишда ўзгариш фуқаролар жамияти ёки маҳалла қўмиталари орқали амалга оширилди.

Паррандаларни боқиш ва асраш шароитини ўрганишда биз Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида кузатув натижасида ва шунингдек айрим аҳоли хонадонларида сўров ўтказишимиз орқали амалга оширилади.

Паррандаларни тирик вазни, гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда аҳоли хонадонларида урчитилаётган турли ёш ва жинсдаги паррандаларни ушланиб оёқлари бойланиб сўнг безмент тарози ёрдамида тортиб аниқланди.

Гўшт маҳсулдорлигини аниқлашда адабиётларда келтирилган маълумотларга асосландик (Куракина Н.Н., Махмудов М., Джасимов Ф. ва Шоймуродов Н.Т. 2012).

Паррандаларни тухум маҳсулдорлигини биз туман фуқаролар жамияти ёки маҳалла кўмитасини ҳисоб китоб олиб боришдан амалга ошириб келдик. Айрим кунларда аҳоли хонадонларида тўпланган тухум санаб борилди ва парранда сонига бўлиниб бир бошдан олинган тухум ўрганилди. Тухумларни оғирлигини аниқлашда торозидан фойдаландик ва олинган тухумлар тарсион торозиларида тортилиб вазни ўрганилди.

Паррандаларни урчитишни ва маҳсулотини озуқа қоплови ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган озиқ бирлиги бўлиниши ва шунингдек унинг рентабеллиги олинган соф фойдани (яъни маҳсулотдан олинган даромаддан, маҳсулотни таннархи айрилади) 100% кўпайтириб маҳсулотни таннархига бўлиш орқали амалга оширилди. Демак бунда асосий кўрсаткич бу маҳсулотни ишлаб чиқарилиши ва сотилиш орасидаги фарқ, соф фойда ёки зиёнини белгилайди.

Тадқиқот учун Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар турлари, жинси ва ёши бўйича мужассамлаштирилди ва ҳисобга олиш чоғида ўрганиб борилди.

5.2.Тадқиқот натижалари.

5.2.1.Парранда турлари, сони ва таркиби.

2013-2014-йил Наврӯз маҳалласида 3 та маҳалла бўлиб унда 25600 аҳоли яшаган. Маҳаллада жами 600 оила 340 хонадонларда яшаб келмоқда Шундан фақат 95 та оила парранда боқмоқда. 2013-йилда биз таҳлил қилганимизда қўлида жуда кўп ва турли паррандалар мавжудлигини аниқладик. Шу кўрсаткичларни ўрганишда фуқаролар йиғини раиси, маҳалла қўмитаси маълумотларидан фойдаланиб бордик. Бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни 3-жадвалда кўриш мумкин.

Жадвал-3

Шаҳрисабз тумани Наврӯз маҳалласини аҳоли хонадонларида
урчитилаётган парранда турлари ва таркиби.

Хўжаликлар	Ўлчов бирлиги	Парранда турлари					Шундан	
		товуқ	ўрдак	ғоз	курка	жами	Катта ёшдаги	Ёш парран
Наврӯз	бош	1642	160	145	260	2207	1913	294
Мустақиллик	бош	1650	140	100	250	2140	1890	250
Обод	бош	1510	220	160	225	2115	1865	250
Жами	бош	4802	520	405	735	6462	5668	794

Жадвалдан кўринадикки Шаҳрисабз тумани Наврӯз маҳалласини аҳоли қўлида жами бўлиб 6462 бош парранда мавжуд шулардан 4802 бош товуқ; 520 бош ўрдак 405 бош ғоз ва 735 бош курка урчитилмоқда жами урчитилаётган паррандаларни 68 бош катта ёшдаги 5668 бош ёш паррандалар

бўлиб ҳисобланади ёки 68,4 фоизини катта ёшли, 31,6 фоизини ёш паррандалар ташкил этган.

Паррандаларни таркиби эса қуйидагича: товуқлар 70,3%, ўрдаклар 8,9%, ғозлар 5,3%, куркалар 11,4%ни ташкил этган.

Аҳоли хонадонларида урчитиб келинаётган паррандаларини зоти турлича бўлиб ҳисобланади, бинобарин аҳолини хонадонларида урчитилаётган товуқларни асосий қисми қўш махсулот берувчи товуқ вакиллари бўлиб булар тахминга биноан Биринчи май, Москва, Кучин, Заравшан ва Ломон-Броун кроссига ўхшаш зотларга мансуб. Шулар қаторида Леггорн ва Рус оқ товуғи зотларига ўхшаш бўлган вакиллари ҳам учрайди.

Бу кўрсаткичлар асосида қайд этамизки паррандалар зоти ва зотдорлиги бўйича бир хил эмас ва мувофиқлаштиришни тақазо этади. Шу туфайли фуқаро йиғини раислари ва шунингдек туман чорва соҳасини бош мутахассислар бу масалага эътибор бериб камчиликлар ва уни олдини олиш юзасидан назорат қилиниши яхши натижаларга олиб келиниши мумкин деган фикр билдирилди.

5.2.2.Шаҳрисабз шаҳри Наврӯз маҳалласи аҳоли хонадонларида паррандаларни боқиш ва асраш.

Аҳоли хонадонларида барча турдаги урчитилаётган паррандалар худуд шароитидан келиб чиққан ҳолда боқилади ва асралади. Бунда асосий озуқа бўлиб, макка дони, арпа дони ва шунингдек уларни ёрмалари ҳамда аҳолини озиқ-овқат қолдиқлари бўлиб ҳисобланади. Макка ва ғалла дони катта ёшдаги паррандаларга, ёш паррандаларга эса ёрма қилиб берилган. Шу озукалар қаторида аҳоли хонадонларидаги томорқаларидаги табиий озукалардан ҳам фойдаланилган.

Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни озиқлантиришда Агеев Н.В. ва бошқалар (1982) томонидан тавсия этилган рацион ва нормаси асосида озиқлантирилган. Рацион тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки Наврӯз маҳалласини аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни озиқлантиришда макка дони, арпа, дони, комбикорм ва товуқ ҳамда куркаларни озиқлантиришда кўшимча бўлиб гуруч олшағи (сечка ишлатилган) кунига товуқ бошига 190 грамм, курка бошига 160 грамм, ғоз бошига эса 210 грамм озуқа ишлатилган. Бунда куркалар бир кунига ўз тенгқурларидан жумладан товуқларга нисбатан 80 грамм, ўрдакларга нисбатан 50 грамм, ғозларга нисбатан эса 20 грамм кўп озуқа истеъмол қилган.

Паррандаларда ишлатилган рационларни тўйимлилиги товуқларда 0,15 озуқа бирлигини ўрдакларда 0,25 озуқа бирлигини, ғоз ва куркаларда тегишли равишда 0,40 ва 0,50 озуқа бирлигини ташкил этган. Рационнинг таркибидаги протеин, калций, фосфор ва каротин бир-биридан кўп фарқ этмаган ва арифметик ҳатоси орасида бўлган. Рацион тўйимлиги бўйича барча паррандаларни талабини нафақат қондирган, қолверса товуқларда ва ғозларда 0,03 озуқа бирлигига, ўрда ва ғозларда эса 0,05 озуқа бирлигига озуқа бирлигига оширилган.

Жадвал-4

Навўз маҳалласини аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни озиқлантириш рационини ва унинг тўйимлилиги.

	Бир кундаги озуқа				Паррандалар рационини тўйимлилиги					Талаби бўйича озуқа бирлиги нормаси кг/оз.б	Нормасига нисбатан фарқи ±
	Макка ёрмаси	Арпа дони	комбикорм	жами	Озуқа бирлиги	Хом протеин	Калций г	Фосфор г	Каротин мг		
Товуқ	40	40	50	130	0,15	13,0	1,3	1,2	0,40	0,12	±0,03
Ўрдак	60	50	60	170	0,25	14,5	1,6	1,24	0,45	0,20	±0,05
Ғоз	70	60	70	200	0,40	15,0	1,9	2,1	0,45	0,35	±0,05
Қурка	70	50	70	190	0,50	15,5	2,1	2,3	0,50	0,47	±0,03

Паррандаларга берилган озуқалар макка ёрмаси ва комбкорм бўлган ва бунда асосий қисмини макка дони (30-35 %) ва комбикорм (32-35 %) ташкил этиган. Қолган хонадонларда бу рационда боқилган паррандалар ҳаёти давомида ўсган ва маҳсулот берган. Шу аснода Наврўз маҳалласини аҳоли кўлидаги паррандалар бир хил озуқалантирилиб борилган, озуқа ва озиқлантириш фақат тури бўйича фарқ этган. Бинобарин бунда ғоз, ўрдак кўл ва ариқ суларидан фойдаланган, товуклар ва куркалар эса шахсий хонадонлар томорқаларида ўсаётган ўсимликлардан ҳам фойдаланган.

Турлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, ғоз, ўрдак ва куркаларни озиқланиш рационлари тўйимлилиги бўйича товуклар рационидан бир оз устунлик қилган. Озуқлантириш тизими ва истеъмол деярли даражада назорат қилиб боришга имкон бўлмайди. Шу сабабли уларни эрталаб паррандахоналардан ташқарига чиқаришда ва кечқурун қайта кўноғига киритишда озиқлантирилади ва ҳисобга олинади.

Шундай бўлсада озуқа сарфи аниқ лекин истеъмол қисми ноаниқ. Бинобарин озуқа тарқатишда айрим бир тартиб ишлатилмаган, ҳар бир оила аъзоси паррандаларни озуқалантиришга қарашган.

Хонадонларда паррандаларни асралиши асосан маҳаллий қурилиш молларидан қурилган паррадахоналари айрим хонадонларда маҳсус парранда учун алоҳида жой қилинган айримларида оддий бостирмалар қурган ва парранда боққан.

Барча паррандаларни асраш учун ишлатилган жойларини усти (томи) ёпилган, ёнбошида дераза ва ичида уларни дам олиши учун кўноқлар ва шунингдек тухум қўйиши учун сомон, похол ёки опилка солиниб уялари қилинган. Паррандаларни тухумларини ифлосланмасидан, синдирилишидан сақлаш тухумини тўплаш ва каробкаларга солиб маҳсус жойда сақлашган.

5.2.3. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни етилувчанлиги ва ҳаётчанлиги.

Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни ташқи муҳитга мосланиши ва маҳсулот бериши жуда кўп биологик омилларга боғлиқ ва уларни етилувчанлиги муҳим бўлиб ҳисобланади. Бинобарин бу биологик хусусият уларда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан аҳоли хонадонларида боқилаётган паррандаларни вояга етиб тухумга кириши ва шунингдек унинг давомийлиги ёки сақланувчанлигини кузатиб бордик. Бу борада олинган маълумотларни 5-жадвалда келтирдик.

Жадвал-5

Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни
етилувчанлиги

Парранда турлари	Физиологик етилиш ёши ҳафта	50 фоиз тухумга кириш ёши ҳафта	70 фоиз тухумга кириш ёши ҳафта	жадал тухумга кириш ёши ҳафта
Товуқлар	22-23	24-25	29-30	32-34
Ўрдақлар	25-26	27-28	30-31	34-35
Ғозлар	28-29	32-33	36-37	40-41
Курка	27-28	28-29	32-33	36-37

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки аҳоли қўлидаги товуқлар жинсий етилиши 22-23 ҳафтани, физиологик етилиб тухум бериши 24-25 ҳафтасига тўғри келади. Тухум беришни яхши кўрсаткичлар билан ифодаланиши 29-30 ҳафталигида 70 фоиз тухум беради, тухум беришини авжига чиқиши эса 32-34 ҳафтага тўғри келади.

Бу кўрсаткичлар ўрдакларда тегишли равишда 25-26, 27-28, 30-31 ва 34-35 ҳафталик ёшини ташкил этади.

Ғозларда ва куркаларда бу кўрсаткич бир оз кеч бошланган, бинобарин ғозларда 28-29, 32-33, 36-37 ва 40-41 ҳафталик ёшига тўғри келмоқда. Куркаларда бу кўрсаткич тегишли равишда 27-28, 28-29, 32-33 ва 36-37 ҳафталигида вужудга келган. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларини бу хусусиятларини қиёслаганда товуклар бошқа турдаги паррандалардан устунлик қилган. Ғозларда бу технологик жараёни ўтиши анча кечроқ бошланган, ўрдак ва куркалар етилувчанлиги бўйича оралик масофани эгаллаган.

Паррандаларни ташқи муҳитга кўникиб мосланишини, жинсимослашишни билиш ва маҳсулот бериши уларни етилувчанлигини белгилайдиган бўлса уларни шароитга кўникиб фаолиятини давомийлигини белгилайдиган хусусият эса барча паррандаларни озиқланувчанлиги ифодалайди. Шу хусусият аҳоли хонадонларида ҳам таҳлил қилиб борилди (хонадонларни сўров асосида) ва бу борадаги маълумотлар 6-жадвалда келтирилади.

Жадвал-6

Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни сақланувчанлиги.

Паррандалар тури	Кузатув бошидаги паррандалар сони бош	Кузатув охиридаги паррандалар сони - бош	Кузатув давомида нобуд бўлган паррандалар сони - бош	Паррандаларни сақланувчанлиги %
Товуклар	1270	1220	50	96,06
Ўрдаклар	52	48	4	92,3
Ғозлар	105	99	6	94,3
Куркалар	135	124	11	91,8
Жами	1562	1491	71	95,4

Кузатув давомида товуклардан 50 бош, ўрдаклардан эса 4 бош, ғозлардан 6 бош, куркалардан 11 бош парранда nobуд бўлган. Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида жами бўлиб 71 бош парранда nobуд бўлиб сақланувчанлиги 95,4 фоизни ташкил этди.

Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни сақланувчанлиги ёки ҳаётчанлиги бўйича қиёслаганимизда сон жиҳатдан энг кўп ўлим товукларда (50 бош) кузатилган, ғоз ва куркалар оралиқ масофани эгаллаганини кўрамиз. Бу кўрсаткич нисбий ҳисобда аниқлаганда сақланувчанлиги товукларда 96,06 фоизга тенг бўлган, ўрдакларда 92,3 ғозларда эса 94,3 фоизга тенг бўлган. Демак сақланувчанлиги фоиз ҳисобида товукларда қолган паррандаларга кўра юқори бўлган, паст кўрсаткич куркаларда кузатилган.

Барча турдаги паррандаларни nobуд бўлишига асосий сабаб уларни транспорт воситалари билан босиб ўлдирилиши ёки маҳалла болалари тош билан (асосан курка жўжалари нимжонлиги туфайли) уриб ўлдирилган бўлиб ҳисобланади.

Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларидаги олинган маълумотлар адабиётларда келтирилган маълумотларга (Горин В -1980; Воронова В., Едришева В., Барсукова М-1990, Куракина Н.Н., Джасимов Ф. ва бошқалар-2012) билан жуда ўхшашлидир. Кузатув натижаларимизга асосланиб таъкидлаймизки ўрганилган хусусиятлар (етилувчанлик ва сақланувчанлик) паррандаларни асосий биологик кўрсаткичи бўлиб уларни муҳитга кўникиши ва чидамлилигига боғлиқдир.

5.2.4. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар тухум маҳсулдорлиги.

Шаҳсий хонадонларда паррандаларни урчитилишни асосий мақсади илк бор тухум ва гўшт ишлаб чиқариш, қўшимча сифатида жўжа очириб уларни такрорий ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади паррандаларни гўшт ва тухумдан озиқ-овқат саноатда турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва оилалар итисодиётини кўтариш учун биз Шаҳрисабз шаҳрини Наврўз маҳалласини аҳоли хонадонларида паррандаларни тухум маҳсулдорлигини уларни оғирлигини ўрганишга ёндашдик. Бу тўғрисидаги маълумотларни 7-жадвалида қайд эттирганмиз.

Жадвал-7

Шаҳрисабз шаҳрини Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларидаги паррандаларни тухумдорлиги ва унинг сифати (бир бош ҳисобида)

Парранда турлари	Олинган жами тухум сони дона	Бир тухум оғирлиги гр	Умумий тухум массасини оғирлиги
Товуқлар	210	55	11550
Ўрдақлар	90	70	6300
Ғозлар	80	80	6400
Куркалар	100	60	6000

Жадвалдан кўринадикки товуқлар, ўрдақ, ғоз ва куркалардан тухумдорлиги бўйича 2-2,5 баробарига устунлик бўлган, лекин тухумларини оғирлиги бўйича фарқ унинг акси бўлиб ҳисобланади ва бунда товуқларни тухуми ўрдақ, ғоз ва куркаларни тухумига нисбатан 5-2,5 г енгил бўлган.

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб қайд этамизки паррандалар тухум бериши уларни турига, ёшига, зотига ва шунингдек озуклантириш ва

асраш шароитига боғлиқ. Тури ва асраб боқиш шароити бизнинг ишимизда барча хонадонларда фарқ мавжуд эмас. Шу боисдан паррандаларни тухумдорлиги ва уларни оғирлиги фақат тури бўйича фарқ мавжудлигини кайд этиш зарур. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган парранда турлар бўйича таҳлил натижасига асосан шу фикрга келдик таҳлил этилган натижалар ўрганилаётган паррандаларга мос ҳолдадир.

Бир дона оғирлиги тухум оғирлиги товуқларда 55 грамм, ўрдакларда 70 грамм, ғозларда 80 грамм ва куркаларда 60 граммни ташкил этган. Шу тухумларни умумий ҳажмини товуқларда 11500 г хонадонлари озиқ-овқат сифатида фақат товуқ, курка ўрдакларда 6300 г, ғозларда 6400 ва куркаларда 6000 г қисман ғоз тухумлари ишлатилган. Ўрдак тухуми умуман озиқ-овқат сифатида ишлатилмаган. Ғоз ва ўрдак тухумлари ва оила талабидан ортгани товуқ, курка тухумлари бозорда сотилиб оила бюджетини тўлдиришда фойдаланилган.

Шаҳрисабз шаҳри Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни тухум бериш қобилияти тўлиқ ишга солинмаган чунки озиқлантириш ва асраш шароити етарли даражада бўлмаган.

Барча урчитилаётган паррандаларни тухуми ўзларига хос физиологик ва морфологик хусусиятлари билан ифодаланади барча паррандаларни тухумларини таркиби асосан пўстлоқ, пўстлоқ қопчиғи оқсил ва сариқ қисмлари билан характерланади.

Тухумларни пўстлоғи паррандаларни турига ва озиқланиш шароитига боғлиқ бўлиб оқ, сарғиш ва чим тусларга бўлинган айрим паррандаларни (ўрдак, курка ва ғозларни) тухумларини ранги ола ёки ўз устида турли майда сепкиллари билан фарқланади. Паррандаларни тухумини пўстлоғи силлиқ бўлмай ғадир-будур бўлган ва кўзга кўринмайдиган тешикчаларни мавжудлигини исботидир.

Тухумларни пўстлоғини миқдори парранда турига боғлиқ бўлиб 7-12 грамм оралиғида бўлган, унинг каллиниги адабиёт маълумотларига кўра 33-38 мм ташкил этади. Барча турдаги паррандаларни тухумини асосий шакли аввал шаклда бўлган, айримлари эса думалоқ бўлган. Шундай бўлсада барча паррандаларни тухумнинг учки қисми ингичка ва узун орқа қисми эса япалоқ ва айнан шу қисмида хаво камераси ёки пуга деб номланган қисми жойлашган.

Паррандаларни тухумини янгилиги уларни пўстлоғ остидаги қопчиғи билан характерланади. Бу қисмни ёғонлиги паррандаларни турлари билан ифодаланиб 0,005-0,025 мм ташкил этади. Тухумларни пўстлоғини шакли ва бошқа юқорида келтирилган кўрсаткичлари бўйича ғоз ва ўрдаклар устунлик қилган.

Барча паррандаларни тухумини оқсил ва сариқ қисмлари ярим суюқ модда бўлиб бир-бири билан қўшилмайди. Чунки юпка қопчиқ билан қопланган ва градункалар (ингичка ипчалар) билан бир мувозанатда туради. Бу қисмларни ҳажми парранда турларига ва шунингдек тухумларни катта кичик бўлишига боғлиқ. Сариқ қисми умумий тухумни оғирлигини 34 фоизини ташкил этади унинг баландлиги ва кенглиги 1,02-1,03 см ташкил этади.

Паррандаларни тухумини катта қисмини оқсил эгаллайди ва умумий ҳажмини 55-58 фоизи айнан шу қисмга тўғри келади, оқсилни баландлиги ва кенглиги тегишли равишда 0,5 ва 1,0 сантиметрни ташкил этади. Паррандаларни тухумидаги оқсил ва сариқ қисмлари бир-бирига мутаносиб бўлиб 1,7-1,8 тенг бўлиб ҳисобланади.

Шаҳрисабз шаҳрини айрим аҳоли хонадонларида етказилган тухумлар уларни сақланиш муддатига диетик ва ошхона сифатларига бўлинган. Шунда паррандаларни тухумини сақланиш муддати бир ҳафтадан ошмаслиги ва ҳажми 44 граммдан кам бўлмаган тухумлар диетик гуруҳига киритилган.

Бу тадбирларга жавоб бермаган ва холадилникларда 1-2 градусдан паст хароратда сақланган тухумлар эса ошхона гурухига киритилган.

Паррандалардан олинган тухумларни тахлили кўрсатадики уларни тухумларини 80 фоиз диетик ва 20 фоизи эса ошхона тоифасига бўлинган.

Паррандаларни тухумини шаклини кўрсатадики уларни ёши улғайган сари тухумларни ҳажми ошиб бориши билан шакли ёки унинг кичик ва катта диаметрлари бир-бирига мутаносиб ўзгармайди. Қолаверса паррандаларни ёши улғайган сари тухумларни пўстлоғи юмшаб кетади ва шунинг эвазига тез синади ёки тирналиб сифатини бузилишига олиб келади.

Барча паррандалардан ишлаб чиқарилаётган тухумларни сифатини ўрганиб уларни тоифаларга бўлиш жуда муҳим. Бинобарин Шаҳрисабз шаҳрини айрим аҳоли хонадонларида етиштирилган тухумлар асосан 1 категорияга қисман 2 категорияга киритлган. Шунда товук ва куркалар тухуми хонадон ўзида оила аъзолари томонидан озиқ-овқат сифатида ишлатилган, бундан ортгани ва шунингдек ғоз ва ўрдаклардан тухум турли парфюмерияда фойдаланишини инобатга олиб бозорда келишилган нархда сотилган.

Шаҳрисабз шаҳри Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида турли паррандаларни урчитиб уларни тухум маҳсулдорлигини тахлилига асосланиб қайд этамизки уларни тухумдорлиги ва сифати паррандалар турига, асралишига, озиқлантирилишига ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ. Шуларни ҳисобга олиб аҳоли хонадонларида уларни асрашда, боқишда ва тухум олишда самарали технологиясини олиб борилишини яхши йўлга қўйилиши билан биргаликда такомиллаштиришни тақозо этади.

5.2.5. Наврӯз маҳалласини аҳоли хонадонлари паррандаларни тирик вазн динамикаси ва гўшт маҳсулдорлиги.

Шаҳсий аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни тухум маҳсулдорлиги билан бир қаторда уларни тирик вазн динамикасини ўрганишда ёндошдик. Паррандаларни тирик вазн кўрсаткичлари муҳим, аҳамиятга эга, чунки улардан гўшт ишлаб чиқилади ва истэмоли бозорини талабини қондиради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Шаҳрисабз шаҳрини Наврӯз маҳалласини ўргандик. Бу борада олинган маълумотлар 11-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадик паррандаларни тирик вазни уларни турига ва жинсига боғлиқ энг катта тирик вазнга курка ва ғозлар эга, энг кичик вазни товуқлардан кутилмоқда бу кўрсаткичлар бўйича ўрдаклар оралиқ масофани эгалламоқда.

Паррандаларни дастлабки тирик вазни товуқларни 35-37; ўрдаклардан 70-80, ғозларни 60-70, куркаларни дастлабки вазнига кўра товуқлар 157,6 %га, ўрдаклар 175,7 %га ошган. Паррандаларни вазни дастлабки ёки ёш даврида жадал оширилган, кунлик ўсишига товуқларда 8,67-14,16 грамм, ўрдакларда 29-36,7 грамм, ғозларда 37,7-50 грамм, куркаларда эса 37,3-53,3 граммни ташкил этган. Паррандаларни тирик вазни уларни физиологик етилиш ёшигача ошиб борган, ундан сўнг эса пасайиб текисланиб борган ва уларни ёши катталашган сари пасайиб бориб охирида эса 1,6-3,3 граммга тенглашмоқда.

Тирик вазн динамикасини таҳлил этар эканмиз тасдиқлаймизки аҳоли хонадонларида урчитилаётган барча турдаги паррандалар андоза талабларига кўра бирмунча паст бўлган. Бунинг сабабини биз уларни боқиш ва асраш шароитига боғлиқ деб биламиз.

Туман аҳоли хонадонларидаги паррандаларни тирик вазн динамикаси

Паррандаларни ёши хафта	Товуқлар				Ўрдаклар				Ғозлар				қуркалар			
	Тирик вазн г	Мутло қ ўсиш	Суткал ик	Нисби й ўсиш	Тирик вазн г	Мутло қ ўсиш	Суткал ик	Нисби й ўсиш	Тирик вазн г	Мутло қ ўсиш	Суткал ик	Нисби й ўсиш	Тирик вазн г	Мутло қ ўсиш	Суткал ик	Нисби й ўсиш
1-4	295	260	8,67	157,6	930	870	29	175,7	1200	1130	37,7	177,9	1200	1120	37,3	175,0
5-8	675	380	12,67	78,35	2000	1070	35,7	73,0	2600	1400	46,7	13,7	2800	1600	53,3	80,0
5-12	1100	425	14,16	47,2	3100	1100	36,7	13,1	4100	1500	50,0	44,8	4400	1600	53,3	44,7
13-16	1410	310	10,33	24,7	3800	700	23,3	20,3	5200	1100	36,7	23,6	5600	1200	40,0	24,0
17-20	1600	190	6,33	12,6	4300	500	16,7	12,3	6000	800	26,7	14,3	6500	900	30,0	14,9
21-24	1708	108	3,6	6,5	4700	400	13,3	8,9	6450	450	15,0	7,2	7000	500	16,7	7,4
25-28	1830	122	4,01	6,9	5000	300	10,0	6,2	6800	350	11,7	5,3	7300	300	10,0	4,2
29-32	1870	40	1,33	2,2	5200	200	6,7	3,9	7100	300	10,0	4,3	7600	300	10,0	4,0
33-36	1910	40	1,33	2,1	5400	200	6,7	3,8	7300	200	6,7	2,8	7800	200	6,7	2,6
37-40	1960	50	1,66	2,6	5600	200	6,7	3,6	7500	200	6,7	2,7	8000	200	6,7	2,5
41-44	2000	40	1,33	2,0	5700	100	3,3	1,8	7600	100	3,3	1,3	8200	200	6,7	2,4
45-48	2050	50	1,66	2,5	5800	100	3,3	1,7	7700	100	3,3	1,3	8400	200	6,7	2,4
49-52	2100	50	1,66	2,4	6000	200	6,7	3,4	7800	100	3,3	1,2	8500	100	3,3	2,2

Тирик вазн динамикасини тахлил этарканмиз ахоли хонадонларида урчитилаётган барча турдаги паррандалар андоза талабларига кўра бирмунча паст бўлган. Бунинг сабабини уларни боқиш ва асраш шароитига боғлиқ деб хисоблаймиз.

Ахоли хонадонларида урчитилаётган гўштга сўйилиш ва унинг кўрсаткичларини хам аниқлашга ёндошдик. Бу тўғридаги маълумотлар 9-жадвалда акс этирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки ахоли хонадонларида сўнги йилларда урчитилаётган паррандаларда жумладан товукларни вазни 1000 граммга, ўрдакларни 2500 граммга, ғозларни 3000 граммга, куркаларни 3500 граммга етганда ёки 9 хафталик ёшига етганда гўштга сўйилади. Уларни сони кўп эмас ва зарурият туғилганида (ахоли эҳтиёжини) амалга оширилади холос.

Гўштга асосан катта ёшдаги паррандалар сўйилган жумладан товуклар 2000-2100 грамм юкни тўплаганда, ўрдаклар 5500-600; ғозлар 7000-7750, куркалар эса 8000-8500 граммида гўштга сўйилган.

Ёш товуклар шунда 830 грамм ярим тозаланган, 630 грамм тирик тозаланган ёки 805 грамм совутилган ярим тозаланган нимта гўшти олинган сўйим чиқими тегишли равишда 83; 63 ва 97 фоизни ташкил этмоқда.

Бу кўрсаткичлар катта ёшдаги товукларда тегишли равишда 1722 грамм ярим, 1344 г тўлиқ тозаланган ва 1687 г ярим тозаланган совутилган нимта гўшт етиштирилган.

Ўрдакларда бу кўрсаткичлар ёшларида 20500 грамм, ярим, 1600 тўлиқ тозаланган 1948 грамм ярим тозаланган совутилган нимта гўшти олинган, сўйим чиқими эса тегишли равишда 82; 64 ва 95 фоизни ташкил этган. Катта ёшли ўрдакларда нимта оғирлиги тегишли равишда 4860; 3760; 4714 граммни, сўйим чиқими эса 81; 63 ва 97 фоизга тенг бўлган.

Ғозларда бу кўрсаткичлар ёшларида 2430; 1860 ва 2308 грамм, 81; 62 ва 95 фоизни ташкил этган. Катта ёшдагиларида эса бу кўрсаткич тегишли равишда 6160; 4744; 5914 грамм ёки 80; 62 ва 96 фоиз бўлган.

Куркаларни гўшtdорлиги тахлилидан келиб чиқиб такидлаймиз ёш куркалардан 2835 грамм ярим, 2205 тирик тозаланган, 2750 грамм ярим тозаланган совутилган нимта гўшт олинган сўйим чиқими эса тегишли равишда 81; 63; 97 фоизни ташкил этган. Катта ёшли куркаларда эса нимта гўштини оғирлиги 6800; 5355; 6596 грамм, сўйим чиқими эса 80; 63; 97 фоизни ташкил этган.

Паррандаларни гўшт махсулдорлик хусусиятларини тахлиliga асосланиб таъкидлаймиз паррандаларни сўйим чиқим орасида фарқ йўқ, фарқ фақат нимталарни хажми бўйича мавжуд. Энг йирик ва оғир нимта гўшти куркалардан олинган, ўрдак ва ғозлар бу кўрсаткич бўйича оралик масофани эгаллаган. Демак нимта гўштини оғирлиги паррандаларни хажмига ва семизлигига боғлиқ.

Шаҳрисабз тумани аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни махсулдорлигини тахлиliga биноан таъкидлаймизки паррандаларни боқиш асраш ва махсулот ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилиши оилаларини озиқ-овқатга бўлган мухтожини ва шунингдек қишлоқ жойларидаги ҳар бир оилани иқтисодиётини белгилашда муҳим захира бўлиб ҳисобланади.

Паррандачиликнинг гўшт маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	товуқлар		ўрдақлар		ғозлар		куркалар	
		9 хафталик	Қагта ёшда	9 хафталик	Қагта ёшда	9 хафталик	Қагта ёшда	9 хафталик	Қагта ёшда
Сўйишдан олдинги тирик вазни	г	1000	2100	2500	6000	3000	7700	3500	8500
Ярим тозаланган нимта гўштини оғирлиги	г	830	1722	2050	4860	2430	6160	2385	6800
Тўлиқ тозаланган нимта гўштини оғирлиги	г	630	1344	1600	3780	1860	4774	2205	5355
Ярим тозаланган нимта гўшт чиқими	%	83	82	82	81	81	90	81	80
Тўлиқ тозаланган нимтагўшт чиқими	%	63	64	64	63	62	62	63	63
Совутилган нимта гўшт оғирлиги	г	805	1687	1948	4714	2308	5914	2730	6596
Совитилган нимта гўшт чиқими	%	97,0	98,0	95,0	97,0	95	96	97	97

VI. Наврӯз маҳалласи аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни самарадорлиги

Барча тоифадаги паррандачилик хўжаликлари шу жумладан аҳоли хонадонларида уларни урчитиш ва маҳсулот олиш бевосита харажатлар билан боғлиқ. Шу аснода уларни аҳоли хонадонларида урчитилишини рентабеллигини аниқлашни тақозо этади. Бунда биз хўжаликларда урчитилаётган паррандаларга кетган харажатларини фақат озуқаларни нарҳнавоси ҳисобга олинди ва парранда боқишда ишлатган. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалардан олинган маҳсулотни бир қисми оила аъзоларига ишлатилган бир қисми эса истеъмолчилар бозорида сотилиб оила бюджетини мустаҳкамлаган. Паррандалардан ишлаб чиқаришга кетган харажатлари ва улардан ишлаб чиқарилган харажатлари ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини истеъмол бозорида сотиб олинган маҳсулотларини истеъмол бозорида сотиб олинган даромад ва рентабеллиги тўғрисидаги маълумотлар мазкур ишимизни 10-жадвалида ўз аксини топган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадик аҳоли хонадонларида паррандаларни урчитиб тухум ишлаб чиқаришда товуклардан тухум соф фойда олган ёки унинг рентабеллиги 40 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўрдакларда, ғозларда ва куркаларда тегишли равишда 4000-3500-7200 сўмга ва 16,66-16,66 ва 29,6 фоизга тенг бўлган. Тухум ишлаб чиқариш қаторида аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалардан гўшт ҳам ишлаб чиқарилган. Гўшт маҳсулдорлиги ҳисобида товуклардан олинган соф фойда 2540 сўм, ўрдаклардан 3450 сўм, ғозлардан 3432 сўм ва куркалардан 5280 сўмга тенг бўлган. Рентабеллик даражаси эса тегишли равишда 28,6-12,5-9,76 ва 13,9 фоизни ташкил этган.

Иқтисодий кўрсаткичларга асосланиб таъкидлаймизки аҳоли хонадонларида барча турдаги паррандаларни урчитиш ва маҳсулот етиштириш рентабеллик бўлган.

Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида паррандаларни урчитишни самарадорлиги (бир бош ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тухум маҳсулдорлиги				Гўшт маҳсулдорлиги			
		товуқ	ўрдак	ғоз	курка	товуқ	ўрдак	ғоз	курка
Ишлаб чиқарилган маҳсулот	дона/кг	200	80	70	90	1,270	3,450	4,290	4,800
Маҳсулотни таннарҳи	сўм	400000,0	24000,0	21000,0	24300,0	8890,0	27600,0	35178	37920,0
Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи даромад	сўм	56000,0	28000,0	24500,0	31500,0	11430,0	31050,0	38910,0	43200,0
Соф фойда	сўм	16000,0	4000,0	3500	7200,0	2540,0	3450,0	3432,0	5280,0
Рентабеллик даражаси	%	40,0	16,66	16,66	29,6	28,6	12,5	9,76	13,9

VI. Хулоса.

Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган Наврўз маҳалласи аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандаларни махсулдорлик хусусиятларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларни билдирамиз.

1. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар ҳудуд об-ҳаво иқлимига, озуқага ва асраш шароитга яхши мослашган.
2. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар (товуқ, ўрдак, ғоз, курка) Ўзбекистонда урчитилаётган паррандаларга хос бўлиб ҳисобланади.
3. Паррандалар аҳоли хонадонларида оддий шароитда урчитилган ва макка, буғдой, арпа донлари билан озуклантириш озуқа рационлари тўпламига бўйича талаб доирасида бўлган.
4. Паррандаларни етилувчанлиги яъни махсулот беришга кириш ёки маданийлашган шароитда урчитилаётган паррандаларга кўра хос бўлиб товуқларда 22; ўрдакларда 25, ғозларда 28 куркаларда 27 ҳафтага тенг. Сақланувчанлиги эса парранда турлирига хосдир (6-жадвалга қаранг).
5. Товуқлар 24 ҳафтлигида ўрдаклар 26 ҳафталигида, ғозлар 32 Ҳафталигида куркалар 28 ҳафталигида 50% тухум бериш хусусияти билан характерланади.
6. 70% ва 90% тухум бериш ёки тегишли равишда товуқларда 28-32 ҳафта, ўрдакларда 30-34 ҳафта, ғозларда 36-40 ҳафта, куркаларда эса 32-36 ҳафтага тенг.
7. Товуқлардан бир йилга 150 дона тухум олинган оғирлиги 55 грам, ўрдаклардан тегишли равишда 70 дона тухум унинг оғирлиги 65г, ғозлардан 50 дона тухум оғирлиги 70г, куркалардан 70 дона тухум, оғирлиги эса 60грамми ташкил этган.

8. Паррандаларни тирик вазни динамикаси уларнинг турига ва ёшига боғлиқ, ёшлигида ўсиши ва тирик вазни жадал ошади еши улғайган сари жадаллиги ошиб бир мейорда сақланади. (8-жадвалга қаранг).
9. Аҳоли хонадонларида урчитилаётган паррандалар яхши гўшт кўрсаткичлари билан характерланади ярим тозаланган нимта гўштини чиқими 80-81 % тўлиқ тозалангани эса 95-97,5ни ташкил этади.
10. Паррандаларни сўйиш вазни нимталарининг оғирлиги уларни турига ва ёшига боғлиқ бунда кам кўрсаткичлар товукларда катта кўрсаткичлар куркаларда урдak ғозлар эса оралиқ масофада бўлган (8-жадвалга қаранг).

VII. Тавсия.

Шаҳрисабз шаҳри Наврӯз маҳалласи аҳоли хонадонларида паррандаларни устида олиб борган кузатувларга ва ундаги чиқарилган хулосаларга биноан қуйидаги амалий таклифларни беришни лозим топдик.

1. Аҳоли хонадонларида сифатли паррандалар билан таъминлаши мумкин ишлаб чиқариш ва фермерлар уюшмаларига юклаш.

2. Туман чорвадорлари бўлимини бош зоотехники ва мол дўхтори аҳоли хонадонларда урчитилаётган паррандаларни урчитилишига озуқа ва дори дармондан амалий ёрдам кўрсатиш.

VIII.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21-августдаги “Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш, кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-842 сонли қарори. Тошкент 2008.
2. Каримов И.А “Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари чоралари.” Ўзбекистон Тошкент 2009.
3. Абдурашитова Э.Ж., Самигов Т.Ш. Технология кормления сельскохозяйственных животных и вопросы кормопроизводства. Сб. Науч. Тр УзНИИЖ Ташкент 1984 с 95-97.
4. Азимов Д.С., Шамсутдинов А. Обогащения заводских комбикормов для молодняка кур кросс “Ўзбекистон”. Тез. Международный конференции Ташкент 2002.
5. Азимов С.Г., Азимов Х.К. Селекция кур при разведения по микролиниям кросс “Узбекистан” тез. Докладов науч. Конференции по птицеводство Борки 2001.
6. Азимов Д.С. Использование жирной глины в рационах кур-несушек Ж. “Зооветеринария” 2011. №5 33-34 бет.
7. Алиев С.Д., Гусейнов Ф. Испитание яичних кур различных сочетни в условиях Азарбайджани. Тез.докл. научной конференции. Одесса 1979 с4-8.
8. Безусова А.П., Злочевская Н.В. Создания и использование гетерогенил популяции яичних кур с аутосексной основой эффективные приёмы производство. Яици мясо птицы сб. Науч. Тр ВНИИТП 1984 16-22 с.

9. Борисенко Е.Я. Учёт роста и развития сельскохозяйственных животных. В книге разведение сельскохозяйственных животных. “Колос” М.1967.
10. Воронов Е., Едришева В., Барсукова М., Работаем с кроссом “Гибро” Ж. “Птицеводство” М 1991 №8 с 6-7.
11. Горин В. Принципы генетической стабилизации линий в птицеводстве “Генетические и физиологические основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных” тр. ВСХИ 30 вып. 187 м.1980. с 116-124.
12. Дуюнова Р.Г. Сколярова Г.Я. “Высокопродуктивный кросс птицы” “Агропромиздат” М. 1959 с 34-35.
13. Джасимов Ф., Носиров У., Қахрамонов Б. Чорвачиликда, паррандачиликда илмий изланиш усуллари ва натижаларини статистик тахлил қилиш . Мар. Матни ТошДАУ, Тошкент 2003.
14. Епишкявичус А.В. “Замена стандартного комбикорма курсушек нетрадиционными кормам” Ж. Птицеводство М. 1991 №5 с5.
15. Иоцюз Г.П., Старчиков Н.Н. “Птицеводства” Агрономиздат М. 1989
16. Карибаев К. Қишлоқ хўжайилк хайвонларини тўла қийматли ем-хашак билан озиклантириш ва озукаларни тайёрлаш ҳамда сақлаш технологияси. Тошкент 1996 86-бет.
17. Кочиш И.И., Рязанов С.Г. Пути реализации генетического потенциала промышленных кур. тез дак.науч кон. по птицеводству., Загорск 2001. с 90-94.
18. Куракина Н., Махмудов М. Джасимов Ф., Шаймуродов Н., Шаҳсий ёрдамчи хўжаликларида парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг авзаллиги. Ёш олимлар илмий-амалий конференция маълумотлари. “Агросаноат мажмуи тармоқларида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари. ТошДАУ Тошкент 2012 119-124 б.

- 19.Петров С.Г. Методик селекционной работы с птицей. Селекция и генетика птиц. Вип-2 “Сельсхозгиз” М. 1939. 115-118.
- 20.Мисих А.Т., “”Животноводства стран мира за рубежи.
- 21.Пигаров Н.В. Светой режим для ремонтных молодок. Сбор. Науч. Работ молодых ученых. Вип-7. М. 1975 г. 107-109.
- 22.Поляночкин А, Популяционная генетика в птицеводство М. 1980 с 89-94.
- 23.Рыбина Е.В. Арипжанов З., Мирзалиев Ю., Рекомендация по кормлению кур в условиях жаркого климата. Науч. Тр УзНИИЖ Тошкент 1990 с 3-10.
- 24.Рахмонов Л., Рўзимродов Р., Родонит-3 кросси жўжаларини ўстириш самараси Ж. “Зооветеринария” Тошкент.
- 25.Рыбина Е.Б., Мирзалиев Ю., Имангулов Н., Ашуров З.М, Пахта шротини сифатли қисми манбаи. Науч. Труды. УзНИИЖ. “Пути повышения продуктивности животноводство” Ташкент 1993 г. 113-115 бетлар.
- 26.Рыбина Е.Б., Арипжанов З.А., Мирзалиев Ю. Хлопковый прот в рационах бройлеров. Ж. Птицеводство. 1992 г. №5 17-18-бет.
- 27.Сментов И.С., “Птицеводство” Рассельхозиздат” М. 1979 с 83-84.
- 28.Устинова Е., Гофман А. Экономте денги, разведите кур. Ж. “Птицеводство” М.2002 №1 с14.
- 29.Сокач И.А. Продуктивное и племенное особенностъ “Хайсекс белые” в условиях, Молдовии В.кг. “Проблеми развития птицеводства Молдави” Кишенов 1984 30-38 с.
- 30.Фисинин В.И. Тардатиъян Н.А. Промышленное птицеводство М 1991.
- 31.Фисини В.И. Учимся управлять ринском Ж. “Птицеводство” М. 2004 №4.

- 32.Файзиева Н.С., Филипова В.И. К вопросу о методах создания новых линий яичных кур “Эффективные приёмы производство яиц и мясо птицы” сб.науч.тр ВНИИТП Загорск 1982 с9-16.
- 33.Хошимов И, Тўйчиев Т. Паррандалар озиғи ва паррандаларни боқиш “Меҳнат” Тошкент 1985.
- 34.Шахнова А.В., Шатина Г.В. Хозяйство полезные качества кур пород корним и плимутрок полученных из яиц различной массы. Ж. “Птицеводство” М. 1988 №8 с11.